

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ НОМИДАН
ҲАЛ ҚИЛУВ ҚАРОРИ**

Бухоро тумани

2023 йил 2 май

Бухоро туманлараро иқтисодий судининг судьяси М.Махсудова, “Худудгазтаъминот” акциядорлик жамиятининг жавобгар “Фатилло Фарход Муҳаммадали” фермер хўжалигидан асосий қарз тўғрисидаги даъво аризаси даъво аризаси юзасидан қўзғатилган ишни соддалаштирилган иш юритиш тартибида кўриб чиқиб,

А Н И Қ Л А Д И:

“Худудгазтаъминот” акциядорлик жамияти(матнда “даъвогар” деб юритилади) судга даъво аризаси билан мурожаат қилиб, “Фатилло Фарход Муҳаммадали” фермер хўжалиги (матнда “жавобгар” деб юритилади)дан 2.767.000 сўм асосий қарз ундиришни сўраган.

Ўзбекистон Республикаси Иқтисодий процессуал кодекси (бундан буён матнда “ИПК” деб юритилади) 203²-моддасининг биринчи қисмига кўра, агар даъвонинг баҳоси юридик шахсларга нисбатан — базавий ҳисоблаш миқдорининг йигирма бараваридан, якка тартибдаги тадбиркорларга нисбатан эса — беш бараваридан ошмаса, даъво аризалари бўйича ишлар соддалаштирилган иш юритиш тартибида кўриб чиқилиши лозим.

Юқоридаги қонун нормасига асосан даъвогарнинг даъво аризаси соддалаштирилган тартибда иш юритишга қабул қилиниб, ажримда жавобгарга ИПК 203⁴-моддасининг иккинчи қисмига асосан ўн беш кунлик муддатда эътирозларини ёзма равишда судга тақдим этиши билдирилган бўлсада, эътирозлар келиб тушмади. Шу сабабли суд ишни ИПК 203⁴-моддасининг тўртинчи қисмига асосан кўриб чиқишни лозим топади.

Суд, иш ҳужжатларини ўрганиб чиқиб, қуйидаги асосларга кўра даъвони қаноатлантиришни лозим топади.

Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 468-моддасига кўра, энергия таъминоти шартномасига мувофиқ энергия билан таъминловчи ташкилот туташтирилган тармоқ орқали абонентга (истеъмолчига) энергия бериб туриш мажбуриятини олади, абонент эса қабул қилинган энергия ҳақини тўлаш, шунингдек шартномада назарда тутилган энергия истеъмол қилиш тартибига риоя этиш, тасарруфидаги энергетика шохобчаларидан фойдаланиш хавфсизлигини ҳамда ўзи фойдаланадиган энергия истеъмол қилувчи асбоб ва ускуналарнинг созлигини таъминлаш мажбуриятини олади.

Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 474-моддасига биноан агар қонун ҳужжатларида ёки энергия билан таъминлаш шартномасида бошқача тартиб назарда тутилган бўлмаса, энергия ҳақи абонент амалда қабул қилган энергия миқдори учун тўланади, бу миқдор ушбу Кодекснинг 470-моддасига мувофиқ аниқланади.

Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 12 январдаги 22-сон қарори билан тасдиқланган “Табиий газдан фойдаланиш қоидалари”нинг 103-бандига кўра истеъмолчи табиий газ етказиб бериш учун тузилган шартнома асосида етказиб бериладиган табиий газ учун юз фоиз олдиндан тўловни амалга ошириши шарт.



Иш ҳужжатларидан кўринишича, “Худудгазтаъминот” акциядорлик жамияти ва “Фатилло Фарход Муҳаммадали” фермер хўжалиги ўртасида табиий газни улгуржи истеъмолчиларга етказиб бериш шартномаси тузилган.

Шартномага асосан етказиб берилган табиий газ учун жавобгар ой сайин олдиндан тўлов қилиш йўли билан ўзаро ҳисоб-китоб қилиши лозим бўлсада, фойдаланилган табиий газ учун тўловларни ҳамда унга ҳисобланган пеняни ўз вақтида амалга оширмаганлиги сабабли тарафлар ўртасида низо келиб чиққан.

Жавобгарнинг даъвогар олдида 2023 йил 1 апрель ҳолатида 2.767.000 сўм табиий газ тўловидан қарздорлиги мавжуд.

Даъвогар жавобгарга огоҳлантириш хати ва тўлов талабномаси юборган. Жавобгар талабномага жавоб бермаган.

Шартномага шартларига асосан истеъмолчи табиий газ учун шартномавий миқдорнинг 100 фоиз миқдорда тариф бўйича қонунчилик билан ўрнатилган тартибда олдиндан тўловни амалга оширишга келишилган. Аммо, жавобгар шартномавий мажбуриятини лозим даражада бажармаган ва ушбу муддатда қарзини тўламаган.

Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 236-моддасига кўра мажбуриятлар мажбурият шартларига ва қонун ҳужжатлари талабларига мувофиқ лозим даражада бажарилиши керак.

Суд даъвогарнинг жавобгардан 2.767.000 сўм асосий қарздорликни ундириш тўғрисидаги даъво талабини муҳокама қилиб, жавобгар ишни кўриш тайинланган кунга қадар тўловни амалга оширмаганлигини инобатга олган ҳолда мазкур даъво талабини тўлиқ қаноатлантиришни лозим топади.

ИПК 118-моддасининг биринчи ва иккинчи қисмларида суд харажатлари ишда иштирок этувчи шахсларнинг қаноатлантирилган даъво талаблари миқдорига мутаносиб равишда уларнинг зиммасига юклатилиши, ҳал қилув қарори ўз фойдасига чиқарилган тарафга иш бўйича қилинган барча суд харажатларининг ўрни, гарчи бошқа тараф давлат божини тўлашдан озод этилган бўлса ҳам ушбу бошқа тараф ҳисобидан қопланиши белгиланган.

Суд, даъво қаноатлантирилганлиги сабабли суд харажатларини жавобгарнинг зиммасига юклашни лозим топади.

Юқоридагиларни инобатга олиб ҳамда ИПКнинг 118, 176-179, 180, 186, 203², 203⁴-203⁵-моддаларини қўллаб, суд

Қ А Р О Р Қ И Л Д И:

Даъво аризаси тўлиқ қаноатлантирилсин.

“Фатилло Фарход Муҳаммадали” фермер хўжалиги ҳисобидан “Худудгазтаъминот” акциядорлик жамияти фойдасига 2.767.000 сўм асосий қарздорлик ва олдиндан тўланган 30.000 почта харажати ундирилсин.

“Фатилло Фарход Муҳаммадали” фермер хўжалиги ҳисобидан Республика бюджетига 300.000 сўм давлат божи ундирилсин.

Ҳал қилув қарори ўн кундан сўнг қонуний кучга киради ҳамда ижро варақаси берилади.

Ҳал қилув қарори устидан шу суд орқали Бухоро вилоят судига ҳал қилув қарори қабул қилинган кундан ўн кун муддат ичида апелляция тартибида шикоят бериш (протест келтириш) мумкин.

Судья

М.Махсудова

